

**Убайдуллаева Миригул**

*Нукус шахри, 16-сонли мактаб қорақалпоқ тили ва адабиёти фан ўқитувчиси.*

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришуви таълим ва тарбиянинг миллий шакларини ривожланишига кенг имкониятлар очиб берди. Ҳозирги замон педагогикасида тарбия- тарбиячининг тарбияланувчи шахсига оддий таъсир кўрсатиши эмас, балки тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг аниқ бир мақсадга қаратилган, бир-бири билан ҳамкорликда қиласидан муносабатлари ва ўзара таъсир кўрсатиши эканлиги алоҳида таъкидланади. Педагогика фани нафақат бола тарбиясини, бугунги кунда катталарни тарбиялаш ва ўқитишда ҳам маълум даражада хизмат қиласидар. Шунингдек, таълим ва тарбия билан ҳамма ва даймо, яъни бутун жамият аъзолари, бутун умри давомида шуғулланишлари керак эканлигини ҳам ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Педагогика фанининг ривожланишида катталар таълимига қизқиши ўтган асрнинг 30 йилларида «катталарни ўқитиш лозимми?» деган саволлар билан чиқишиди. Бу вақтларда катта ёшлилар учун ўкув қўлланмалар етарли бўлмаган ёки ёшлик даврдагидек ўқитиш-ўқиши жараёнларидағи ўзгаришларни ҳисобга оладиган бўлсак ҳам ёши катталар таълимига алоҳида психологияк ёндашувларни қайта кўриб чиқишини таклиф қилди. Ёши катталар психологиясида ноаник бўлган, тушунарсиз бўлган қарама-қаршиликлар бўлиб, бу уларнинг ўзига хос психологик хусусиятларига боғлиқ. Ҳозирги кунда катталар таълими «Андрогогика» бўйича кўплаб илмий тадкиқот ишлар олиб борилмоқда. «Андрогогика» - бу катталарни ўқитишга ёрдам берувчи фан ва санъат. Таълимнинг субъекти ёши катталар ҳисобланади. «Андрогогика» грекча сўз бўлиб, «андрос- одам» «гогос-олиб юрувчи» маънони билдириб, демак «одамга кириш ёки ёши катталар ҳақида» маънода ёндашадиган бўлсак ёши катталарга ёрдам бериш, уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олишган. Албатта, бу терминдан таълим жараённида фойдаланганлигимиз тўфайли, катталарнинг таълим ва тарбия олишиги ёрдам бериш назарда тутилади. Катталар нима учун ўқишиади?

- ✖ \*Қизиқиши қондириш, саволга жавоб топиш.
- ✖ Янги кўникмани ҳаётда қўллашдан рохатланиш.
- ✖ Ўқишидан завқ олиш.
- ✖ Қизиқишилари умумий бўлган инсонлар билан учрашиш.
- ✖ Ўқиганлик ҳақидаги хужжат.
- ✖ Бошқа сабаблар.

Ёшларга билим бериш устида ҳар куни ҳар хил усуллар, янгича ёндашувларни амалиётга тадбиқ этилар экан, уларга таълим бераётган профессор-ўқитувчиларнинг билим ва малакаларини оширишда замонавий илғор педагогик технологиялар ўз

вақтида жорий этишни талаб этади. Сабаби, ката ёшли инсонларнинг ўзига хос ўқиш тамойиллари бор:

- Катта ёшли ўқувчилар мустақил ва ўзларини бошқара оладиган инсонлар ҳисобланишади. Улар ўзларини бошқариш учун эркин ҳис қилишлари лозим. Улар бутун ўкув жараёнига жалб қилинишлари ва ментор уларга ўз шахсий ривожланишларида ўzlари масъулиятли бўлишлари кераклигини уқтириши лозим. Шунинг учун менторлар фасилитаторлар вазифасини бажаришлари лозим, улар ўз ўрганувчилариға фактлар беришдан кўра уларнинг ўз билимларига йўналтириши лозим.

- Катта ёшли ўқувчилар ишга оид фаолиятлари, оиладаги мажбуриятлари ва илгариги ўқиш тажрибаларини ўз ичига олган ҳаётий тажриба ва билимларга эга Инсонлар ҳисобланишади. Улар ўкув жараёнини шу билим ва тажрибага боғлашлари лозим. Ментор буни амалга оширишда ўрганувчининг шу мавзуга хос тажриба ва билимига аҳамият қаратиши керак. Улар назариялар ва тушунчаларни иштирокчиларга боғлаши ва ўкув жараёнида тажрибанинг қадр қийматини билиб олишлари лозим.

- Катта ёшли инсонлар ўз мақсадлари сари интилишади. Улар одатда ўзлари эришмоқчи бўлган мақсадни билишади. Шунинг учун ҳам улар тартибли ташкил этилган ва аниқ мақсадли таълим дастурларини қадрлашади. Ўрганувчилар катта ёшлиларга ўз мақсадларига эришишларида қандай ёрдам беришаётганликларини кўрсатишлари керак ва шахсий мақсадларнинг қай даражада умумий мақсадларга мос қўйилганлигини очиб беришлари лозим

- Катта ёшли инсонлар зарур нарсаларга аҳамият қаратишади. Улар бирор нарса ўрганишда сабаб кўришлари лозим. Ўрганиш уларнинг ишига даҳлдор ёки бошқа мажбуриятларида қадрли бўлиши лозим. Яъни назариялар ва тушунчалар иштирокчиларга бу хусусда маълумот беришга боғлиқ бўлиши лозим. Бундай эҳтиёж ўрганувчига ўз эҳтиёжлари ва қизиқишилари доирасидаги мавзуларга аҳамият қаратишларига рухсат бериш орқали бажарилади.

- Катта ёшли инсонлар ишchan ҳисобланишади. Улар ўз ишларида энг фойдали бўладиган менторинг алоқаларининг аспектларига аҳамият беришади. Улар билимга қизиқмасликлари мумкин, лекин менторлар билимнинг фойдали тарафларини уларга кўрсатиб беришлари лозим.

- Барча ўрганувчилар каби катта ёшли ўқувчилар ҳам ўзларига ҳурмат талаб қилишади. Инструкторлар катта ёшли иштирокчининг менторинг алоқаларига қанчалик бой тажриба олиб келишини олдиндан билишлари лозим. Бундай катта ёшли инсонлар тажриба ва билимда teng деб ҳисобланишлари ва синфда ўз фикрларини эркин ифодалашларига рухсат берилиши лозим.

Қандай қилиб катталарни ўқитишга рағбатлантириш мумкин?

Кизиқтириш орқали

Фойдалиигини намойиш қилиш орқали

Саволга жавоб бериш орқали

Янги кўнималарни қўллагандан мамнун бўлиш орқали

Фақат ўқишидан ҳузур қилиш орқали

Бир хил қизиқишига эга бўлган бошқа одамлар билан учрашиш орқали

Катта ёшдаги ходимлар ҳар қандай вақтда турли ёшдаги ва турли тайёргарлик даражасига эга бўлган тингловчилар гуруҳи билан ишлади, шу сабабли гурухларни бошқаришда улардан алоҳида психологик маҳорат талаб этилади.

Зеро, ҳар бир ўқитувчи нафақат мутахассислиги, балки замонавий педагогик, психологик ҳамда методик билимларини доимий равища, изчил бойитиб бориши, шунингдек, комил инсон ва малакали мутахассисни тайёрлашдек умуммиллий мақсадни амалга ривожлантириш йўлида алоҳида фаоллик кўрсатишга интилиши зарур. Ҳар бир соҳада ташкил этилаётган фаолият самарадорлиги ва муваффақияти мутахассиснинг касбий тайёргарлиги, малакага эгалик даражаси, зиммасидаги вазифаларни бажаришга нисбатан ижодий ёндашиши ҳамда ўз устида қунт ва изчиллик билан ишлаши асосида таъминланади. Шахсий фазилатларни бойитиш, ўз устида ишлаш, фаолиятга ижодий ёндашиш эҳтиёжига эга бўлмаган мутахассис, шу жумладан, педагог муайян ютуқларга эриша олмайди. Доимий равища ўз устида ишловчи, ижодкор ўқитувчи жамият томонидан ёш авлод таълим-тарбиясига қўйилган ижтимоий буюртманинг муваффақиятли бажарилишини таъминловчи асосий ижрочилар ҳисобланади. Шу сабабли бугунги кунда малака ошириш тизими ходимларига бир қатор катта маъсулятли вазифалар юклатилмоқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Педагогика// Абдуллаева Ш. Тахрири остида.-Тошкент: Фан ва ахборот технологиялари, 2008.-432 бет
2. Подласый И.П. Педагогика. В 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 2000.
3. Харламов И.Ф. Педагогика. – М.: Гардарики, 1999. – 520 с.